2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 67 (1393), 2025 йил 2 апрель, чоршанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news

# “ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ”



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюси




***— Кейинги йилларда дунё шиддат билан ўзгармоқда: геосиёсий беқарорлик, иқтисодий хатарларнинг ўсиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар — буларнинг барчаси халқаро ҳамкорликнинг янги форматларини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Самарқанд шаҳридаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити минтақаларимиз ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси сифатида кўринмоқда. Нима учун айнан шу пайт ўзаро ҳамкорлик янги босқичга чиқмоқда?***

— Минтақаларимизни чуқур тарихий илдизлар, бир-бирига мос манфаатлар ва яқин шерикликка объектив интилиш боғлаб туради. Бугунги кунда биз Европа Иттифоқи билан ҳамкорликнинг қарийб ўттиз йиллик самарали тажрибага асосланган аниқ кун тартибини шакллантирганмиз.

Бизнинг Европа Иттифоқи билан шериклигимиз — бу икки томонлама ҳаракат, ундан иккала томон ҳам манфаат кўриши лозим. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” формати — ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаши мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан, “Катта еттилик”ка аъзо учта мамлакатни (Германия, Франция ва Италия) бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақалараро даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг йирик интеграцион тузилма ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб, барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узоқ муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланади.

Биз европалик ҳамкорларимиз билан мунтазам учрашиб келмоқдамиз. Минтақамизга етакчи давлатлар раҳбарларининг ташрифлари анча фаоллашди. Ўзбекистон Италия, Венгрия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари эса минтақавий стратегик шерикларга айланди.

Бугун Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва инвестиция алоқаларини изчил ривожлантирмоқда. Охирги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврони ташкил этди.

Биз Европа бизнесининг Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа мамлакатлар билан савдо ва инвестициявий ҳамкорлик қилиш имкониятларига қизиқиши кучайиб бораётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз.

**Минтақамизда кузатилаётган ижобий жараёнлар туфайли Марказий Осиё қудратли ва етакчи давлатларнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йўллар туташган геосиёсий чорраҳадаги ишончли ҳамкорига айлантирмоқда. Бу “Марказий Осиё плюс” форматларида ўз ифодасини топмоқда. Улар очиқ мулоқотни қўллаб-кувватлашга хизмат қилиб, барча томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қулай имконият яратмоқда.**

Бундай шароитда Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи ва минтақамиз давлатлари ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилиши минтақалараро ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг ривожланишида янги йўналишлар очади.

***— Саммитни ўтказиш жойи сифатида Самарқанд шаҳри танланишининг сабаби ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз. Самарқанд мулоқот ва имкониятлар нуқтаи назаридан қандай рамзий аҳамиятга эга?***

— Самарқанд — асрлар давомида савдо, илм-фан ва дипломатия маркази бўлиб келган шаҳардир. Унинг улуғворлиги турли маданиятлар, халқлар ва ғояларни бирлаштира олганида. Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё замонамизнинг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдонига айланмоқда.

Самарқанд Марказий, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудида истиқомат қилган халқларнинг кўп асрлик халқаро муносабатлари тарихида алоҳида ўринга эга. Олти асрдан ортиқ вақт илгари айни шу ердан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди.

Бугунги кунда Самарқанд халқаро ҳаётдаги ўзига хос ўрнини тикламоқда ҳамда мамлакатимизнинг тарихий сиёсий ва дипломатик меросини асраб-авайлаб, уни янги, янада кенг мазмун билан бойитмоқда.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

***Давоми 2-бетда***

# ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро алоқалар бўлими мудири Лю Цзяньчао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида етакчи компаниялар иштирокидаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони кўпаймоқда.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фаол ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув юқори баҳоланди. Жорий йилда навбатдаги Ҳудудлар форуми ва Таълим форуми бўлиб ўтади.

Парламентлараро ва партиялараро ҳамкорликни, айниқса, камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш, рақамлаштириш ва саноатлаштиришни жадаллаштириш каби соҳаларда янада кенгайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий ва профессионал таълим соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, мамлакатимизда Хитойнинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА**

# ФАОЛ МУЛОҚОТЛАР МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён 1 апрель куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бир-бирларини ва мамлакатларимизнинг дўст халқларини баҳор айёми Наврўз ва муборак Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.**

Қабул қилинган “йўл харитаси” асосида кўп қиррали Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар ва ташрифлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ва юк ташиш кўрсаткичлари, қўшма корхоналар сони ошмоқда, пойтахтлар ўртасида мунтазам тўғридан тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Кимё ва нефть-кимё тармоқлари, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари тармоғи ва бошқа йўналишлардаги кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадал амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Теҳрон шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес форуми ва саноат кўргазмасини самарали ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОНДА “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

**3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов иштирок этади.

“Келажакка сармоя киритиш” шиори остида ўтказиладиган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарлари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўпайтириш, инновациялар, “яшил” энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол алмашинувларни давом эттириш масалалари диққат марказида бўлади.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Дастурга мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари етакчилари ва Европа Иттифоқининг асосий институтлари раҳбарлари 4 апрель куни ўз ишини бошлайдиган Самарқанд халқаро иқлим форумининг ялпи мажлисида иштирок этади.

Бундан ташқари, саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

**ЎзА**

# “ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ”

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюси

Бошланиши 1-бетда

***— Кейинги йилларда минтақада юз берган асосий ўзгаришларни қандай тавсифлаган бўлардингиз, Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистон раислиги даврида қайси устувор йўналишларга эътибор қаратасиз?***

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бугунги дунё сиёсати харитасига назар ташласак, қуролли низолар, зиддиятлар ва зўравонлик авж олаётган ҳолатларнинг аксарияти айнан қўшни давлатлар ўртасида юз бераётганини кўрамиз. Бу ҳолат Яқин Шарқ, постсовет макони, Жанубий Осиё, Африка ва бошқа минтақалар учун ҳам хос.

Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган. Турли даврларда бу ерда қуролли тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккабликлар, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узоқ давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келишмовчиликлар чуқурлашди ва юзага келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий таҳдид сола бошлади.

Биз ана шундай реал ҳолатни англаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз.

**2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанида, биз оддий, бироқ муҳим ғоядан келиб чиққан эдик: агар биз ўзаро ишонч ва очиқ мулоқотни ўзимиз бошламасак, ҳеч қандай ташқи ҳамкорлар минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаб беролмайди. Бу жараён ўз самарасини кўрсатди. Бугун энг мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этмоқдамиз, қўшма ташаббусларни мувофиқлаштиряпмиз ва олдинга дадил қадам ташлаяпмиз.**

Жорий йилда Тошкентда еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Бундай йиғилишларда биз нафақат кун тартибини муҳокама қиляпмиз, фикр алмашяпмиз, балки минтақа қиёфасини ўзгартирувчи аниқ қарорларни қабул қилмоқдамиз. Яқин орадаги ёрқин мисол — Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши бўлди. Бу — томонларнинг йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари туфайли эришилган муваффақиятдир.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этилмоқда, қўшма инвестиция жамғармалари ишга туширилятпи, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё глобал транспорт занжирларининг муҳим бўғинига айланмоқда. Биз Транскаспий ва Трансафғон транспорт йўлакларини фаол ривожлантиряпмиз — бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу тарзда, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистоннинг раислиги даврида биз қуйидаги учта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратамиз: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш.

Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди. Ишонч билан айта оламанки, биз бу салоҳиятни биргаликда рўёбга чиқаришга қодирмиз.

***— Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай ислоҳотлар Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда ва Марказий Осиё билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун ЕИ томонидан қандай чоралар кўрилиши мумкин?***

— Ўзбекистонда изчиллик билан қулай бизнес муҳитини яратмоқдамиз, бозор институтларини ривожлантирмоқдамиз ва инвестициявий муҳитни яхшилаяпмиз. Муҳим қадамлардан бири хорижий инвесторлар учун “ягона дарча” тизими жорий этилгани, валюта бозори либераллаштирилгани, бизнес учун солиқ юки камайтирилгани бўлди.

Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат кузатилмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги 1 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврога етган. Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши савдо-инвестиция алоқаларини янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очишига ишонамиз.

Биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёрмиз. Бугунги кунда самарали транспорт-логистика йўлакларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки “кўприк” эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу маънода, биз Европа Иттифоқининг “Глобал дарвоза” стратегиясини минтақадаги асосий транспорт лойиҳалари билан уйғунлаштиришни, Транскаспий транспорт йўлагини илгари суриш бўйича “Ҳаракатлар режаси”ни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бу инвестициялар ортиши, инфратузилма ривожи ва инновацион технологияларни жорий этишга янги суръат бағишлайди.

Иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва сертификатларни уйғунлаштириш зарур. Шу билан бирга, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий кўмак механизмларини фаоллаштиришни қўллаб-қувватлаймиз. Европалик ҳамкорлар иштирокида кичик ва ўрта бизнес ривожи учун қулай шароитлар яратилиши минтақа иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

***— Марказий Осиё — энергия ресурсларига бой ва қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган кам сонли минтақалардан бири ҳисобланади. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш бўйича кейинги тенденциялар ҳисобга олинса, минтақангиз Европанинг энергетик барқарорлигини таъминлашда қандай ўрин тутиши мумкин?***

— Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини барқарор етказиб беришни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам катта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳамкорга айланиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратади.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида Тоза энергетика бўйича Марказий Осиё — ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин. Бу водород ва аммиак каби “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. “Яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш ниятимиз бор.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу иссиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида иссиқхона газлари чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика тизимларини модернизация қилиш бўлиб, бу уларнинг самарадорлигини оширади ва углерод изини камайтиришга хизмат қилади.

***— Бўлажак саммитда хавфсизлик масалалари муҳокама қилиниши истиқболларини қандай баҳолайсиз? Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳалари Сиз учун алоҳида аҳамиятга эга?***

— Биз халқаро муносабатлар тизимининг чуқур трансформациясига гувоҳ бўляпмиз. Дунёда шундай кенг кўламли ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг оқибатларини ҳозирча аниқ башорат қилиш мушкул.

Ҳудудий хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар доим устувор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, 2023 йилда биз Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги кун тартибини экспертлар муҳокамасига олиб чиқиш вазифасини қўйдик.

Биз яхши тушунамизки, бизнинг минтақамиз ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавфсизлик соҳасида, жумладан, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бугунги воқеликларни инобатга олган ҳолда, фақат мавжуд дастурлар доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш билан чекланиб қолмай, киберхавфлар ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

***— Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб давлатлар муваққат ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш ҳамда бу мамлакатни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига жалб этишдан ўзини тийиб турган бир пайтда Ўзбекистон жанубий қўшниси билан фаол алоқаларни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга бундай ёндашувининг сабаблари нимада, бу масалада давлатларимиз ўртасида жадал ҳамкорликни давом эттириш истиқболлари қандай?***

— Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келган. Биз ҳеч қачон қўшнимиздан юз ўгирмаганмиз, у билан алоқаларни узмаганмиз. Биз қўшни давлатлар, жумладан, унинг яқин ва энг муҳим ҳамкори сифатида Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорлик қилмасдан Афғонистонни ривожлантириш имконсиз, деган фикрга доим ишониб келганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатимизни қўллаб-қувватламаганларнинг кўпчилиги бугун унинг тўғрилиги, муқобили йўқлигини тан олишга мажбур бўлишмоқда. Афғонистондаги аввалги тузум бир қатор сабабларга кўра ҳокимиятни сақлаб қололмаслигига амин эдик. Бу сабаблар қаторида аввалги ҳокимиятнинг мамлакат ҳудудини тўлиқ назорат қилишга қобилсизлиги, мухолифат билан мулоқотга тайёр бўлмагани, инклюзив ҳукуматни шакллантиришга интилмагани ва давлат бошқарувининг барча даражаларида коррупция авж олганини келтириш мумкин.

Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва кўкнор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, “Толибон” 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини тақиқлаганидан сўнг, Афғонистонда кўкнори етиштириладиган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўкноридан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ хўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантириляпти.

Бугунги шароитда биз Афғонистонга стратегик имкониятлар нуқтаи назаридан қараш зарур деб биламиз. Ушбу мамлакатни халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этиш, хусусан, унинг ҳудудида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим.

Шу маънода, биз Афғонистонга нафақат мавжуд инқироздан чиқиш, балки узоқ муддатли ривожланиш имконини берадиган ижобий кун тартиби ва ташаббусларни илгари суриш учун Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ишлашга тайёрмиз. Ҳозирда биринчи галдаги вазифа — Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттириш деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комил, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг умумий манфаатларига жавоб беради.

***— Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи қандай қилиб иқлим хавфларига биргаликда қарши туриши мумкин, бу соҳадаги ҳамкорлик учун қандай имкониятлар мавжуд?***

— Иқлим ўзгариши — бу энди инкор этиб бўлмайдиган хатар. Марказий Осиё қурғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаётган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёнғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ муддатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз учун сўзсиз устувор йўналиш — бу Марказий Осиёда “яшил” кун тартибини илгари суришдир.

Самарқанд саммити доирасида биз “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирганмиз. Унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратиш кўзда тутилган.

Биз “ЕИ — Марказий Осиё яшил шериклиги” дастурини ривожлантиришни таклиф этамиз. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кучларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Сув ресурсларини тежаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда кузатиш ва илғор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта имкониятларни кўряпмиз.

ЕИ билан ҳамкорликни кенгайтиришдан, хусусан, давлат-хусусий шериклик соҳасида Европа тажрибасидан фойдаланишдан умидимиз катта.

Устувор йўналишлардан яна бири — экотизимлар ва биохилма-хилликни тиклашдир.

Таназзулга учраган ерларни, шу жумладан, Оролбўйи ҳудудини кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур — “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасини аллақачон бошлаганмиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Биз экологик соҳада таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили минтақамизда биринчи “Яшил” университетни очдик, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

***— Бўлажак олий даражадаги учрашувдан нималар кутяпсиз? Саммит якунида қандай натижаларга эришилишини истардингиз?***

— Бўлажак саммит ҳақиқатан тарихий аҳамият касб этади, чунки биринчи марта Марказий Осиёнинг бешта мамлакати ва Европа Иттифоқи етакчилари бир жойда тўпланади.

Биз бу саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа бўлишини кутамиз. Кейинги йилларда ҳамкорлигимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сиёсий мулоқот янада чуқурлашади, ҳамкорлигимизга янада тизимли тус берадиган, уни узоқ муддатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилади деб умид қиламиз. Минтақалараро, айниқса, иқтисодиёт, савдо, энергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни муҳокама қилиш саммит кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлади.

**Самарқанд декларациясининг имзоланиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлиши керак. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттиради. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратади.**
**Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидвормиз.**

Албатта, кўплаб саволларга саммит якунида жавоб топилади. Бироқ ҳозирдан айтиш мумкинки, бу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шерикликни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамга айланади. Бу шериклик умумий манфаатлар, ишонч ва биргаликдаги тараққиётга интилишга асосланган бўлади.

***— Сизда Европа етакчилари ва фуқароларига битта муҳим фикрни етказиш имконияти бўлганда, нима деган бўлар эдингиз?***

— Бугунги имкониятдан фойдаланиб, европалик ҳамкорларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Марказий Осиё мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтиришга очиқ. Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз.

Биз Европа Иттифоқининг минтақа очиқлигини таъминлаш, унинг равнақи ва субъектлигини мустаҳкамлашга қаратилган интилишларимизни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз. Айниқса, Европа Иттифоқи Марказий Осиёни барқарор ва жадал ривожланаётган, барча манфаатдор томонлар билан очиқ ва тенг ҳуқуқли шерикликка тайёр бўлган минтақага айлантиришдек мақсадимизда биз билан ҳамфикр экани жуда муҳимдир.

Бўлажак саммит муносабатларимизда муҳим босқич бўлади. Самарқанддаги учрашув натижалари ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очишига ишонамиз.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 31 март куни амалий ташриф билан Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида бўлди. Олий даражадаги тадбирларга бой дастур доирасида Хўжанд шаҳрида давлатимиз раҳбари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров билан учрашди. Шунингдек, ташриф давомида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарларининг қўшма учрашуви бўлиб ўтди.

# ХЎЖАНДДАГИ КЕЛИШУВЛАР

## МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ЯНГИ УФҚЛАР ОЧАДИ

### ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ХЎЖАНД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН БИРИНЧИ САММИТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

Хўжанд саммитида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди. Бундан ташқари, етакчилар уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг янги рамзи бўлади.

Уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзолангани халқаро майдонда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Хусусан, хорижий экспертлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара муаммосига якуний нуқта қўйилганини олқишламоқда. Шунингдек, улар ушбу жараёнда Ўзбекистон Президенти саъй-ҳаракатларини ва минтақавий ташаббусларини алоҳида эътироф этаётир.



**Кубан ТААБАЛДИЕВ,**
**қирғизистонлик сиёсатшунос, Олатов халқаро университети профессори:**

— Марказий Осиёнинг учта давлати раҳбарларининг Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви минтақа тарихида бурилиш нуқтаси бўлади. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара низоларининг ташқи воситачилар иштирокисиз деярли тўлиқ ҳал этилиши замонавий дунёда ўзига хос ҳодиса бўлиб, бунга дунёнинг кўплаб экспертлари ва ҳатто сиёсатшунослари ҳам эътибор қаратмоқда.

Фарғона водийсидаги давлат чегараларига оид битим дунёда энг зич жойлашган ҳудуд саналган минтақа халқлари ўртасида яхши қўшничилик ва барқарор муносабатларга йўл очади. Марказий Осиёдаги 80 миллион аҳолининг 20 фоиздан ортиғи Фарғона водийсида, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон чегаралари туташган жойда яшайди.

Уч давлат етакчиларининг давлат чегараларининг туташган нуқтаси тўғрисидаги битимни имзолаши уларнинг бутун минтақани тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорликда тараққиёт ҳудудига айлантириш, Марказий Осиёнинг барча давлатлари хавфсизлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш қатъиятини тасдиқлайди.

Барча Марказий Осиё давлатларининг позициялари яқинлашишига Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг асос солинди. 2017 йилда эса Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақасини Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб атаган эди. “Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан нисбатан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритишга содиқ қоламиз”, деган эди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчисининг мазкур муҳим ислоҳоти самараси ўлароқ, минтақа давлатларининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида ижобий силжишлар кузатилди. Мавқелар яқинлашуви жараёни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан ҳам тасдиқланиб, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда ҳар йили ўтказиладиган олий даражадаги Маслаҳат учрашуви минтақавий ва ҳатто жаҳон миқёсида муҳим сиёсий воқеага айланди.

Саммит олдидан Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегарадаги келишмовчиликлар муваффақиятли ва адолатли тарзда ҳал қилинди. Бу музокаралар Ўзбекистонда ҳам 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўтган саммит чоғида бошланган эди. Кейин икки давлат раҳбарлари Эмомали Раҳмон ва Садир Жапаров давом этаётган чегара можароси фонида тезда алоҳида учрашув ўтказиб, тўқнашувларни тўхтатиш, чегарадан қўшинларни олиб чиқиш ва чегара бўйича тўпланиб қолган барча келишмовчиликларни тезроқ ҳал этиш бўйича ҳукумат даражасида янада мазмунли музокараларни бошлаш бўйича келишувга эришдилар.

Икки йил давомида эксперт ва мутахассислар иштирокидаги қизғин музокаралар натижасида томонлар икки давлат чегарасидаги узунлиги 1000 километрдан ортиқ бўлган барча баҳсли ҳудудларни келишиб олишга муваффақ бўлди. 2025 йил 13 март куни давлат раҳбарлари Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги давлат чегараси тўғрисидаги битимни имзоладилар. Икки давлат раҳбарлари фикрича, ҳужжат узоқ муддатли ҳудудий баҳсларга чек қўйди ва нафақат икки давлат, балки бутун минтақа муносабатларида янги босқични очди.

Уч мамлакат Президентлари томонидан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегаралар туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисидаги битим имзоланиши нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам кенг истиқболларни очиб, минтақа халқларининг яқинлашиши, турмуш даражасини юксалтириш, бир-биридан хабардор бўлишлари учун шароит яратади.

Халқаро миқёсда имзоланган мазкур битим замонавий, тобора мураккаблашиб бораётган бугунги дунёда Марказий Осиё давлатлари ўзлари мустақил равишда, ҳеч қандай ташқи кучлар иштирокисиз энг мураккаб минтақавий муаммоларни ўз ичида ҳал этишга қодир бўлган даражага эришганига ёрқин мисолдир. Бу, шунингдек, Марказий Осиёнинг дунёдаги ўзини ўзи таъминловчи ва барқарор минтақа сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.



**Ли ЮНХУЭИ,**
**Хитой Ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти катта илмий ходими:**

— Ўзбекистон Президентининг Хўжандга ташрифи, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари билан уч томонлама учрашуви минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда муҳим босқич бўлди. Дўстлик стеласи очилиши уч қардош давлат ўртасидаги яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани рамзидир.

Давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги битим имзоланиши ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этувчи, минтақанинг халқаро нуфузини оширувчи тарихий воқеадир. Мазкур битим Давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома билан бирга барқарорлик ва барқарор ривожланиш учун мустаҳкам замин яратади, бу эса инвестицияларни жалб этиш ва йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишнинг зарур шартидир.

Ўзбекистон Президентининг амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Биринчидан, юқори даражадаги фаол, ишончли алоқаларни сақлаб қолиш юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суришда муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда чегарадош вилоятлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Божхона объектларини модернизация қилиш, қулай савдо-логистика инфратузилмаси ва уч томонлама савдо майдончасини яратиш бўйича таклифлар савдо ва сармояни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Учинчидан, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, қўшма инвестиция фондлари капиталини босқичма-босқич ошириш янги иш ўринлари яратиш ва ҳудуд рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, мамлакатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини ривожлантириш, жумладан, авиарейслар сонини ошириш ва янги автобус йўналишларини ишга тушириш халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва туризмни ривожлантиришда асқатади.

Ниҳоят, “яшил” энергия ва транспорт соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳалар, шунингдек, сув ва экология соҳасидаги дастурларни илгари суриш минтақанинг барқарор ривожланиши ва экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифи якунлари уч давлатнинг минтақавий интеграция ва барқарор ривожланиш ва фаровонлик учун қулай муҳит яратишга интилишидан далолат беради.



**Аҳмад ТАРАБЕК,**
**Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича эксперт ва ёзувчи (Миср):**

— Ўзбекистон Президентининг изчил ташқи сиёсати минтақа мамлакатлари ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш учун ягона платформани шакллантиришда асосий омил бўлаётир.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарларининг Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган уч томонлама учрашувига алоҳида эътибор қаратиш керак деб ўйлайман. Унда давлат чегараларининг туташ нуқтаси бўйича тарихий келишув имзоланди. Бу қадам Марказий Осиёда бирдамлик ва узоқ муддатли тинчлик тимсолига айланади. Дўстлик стеласининг тантанали очилиши минтақа давлатларининг яқин ҳамкорликда ривожланиш истагини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари туфайли Марказий Осиё барқарорлик, фаровонлик ва яхши қўшничилик минтақасига айланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати нафақат мамлакатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди, балки иқтисодий ўсиш ва маданий алмашинув учун янги уфқларни очди.



**Дерья СОЙСАЛ,**
**“Diplomatic World” таҳлилий марказининг Марказий Осиё бўйича эксперти (Бельгия):**

— Хўжандда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон етакчилари уч давлат ўртасидаги чегараларни делимитация қилиш жараёнини якунладилар. Ушбу учрашув узоқ ва муҳим босқичга якун ясади, унинг шарафига уч қардош давлат ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари рамзи бўлган Дўстлик стеласи ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, ишончли муносабатлар ўрнатиш, халқаро миқёсда тан олинган чегараларни расмийлаштириш жараёни бошланди. Бу жараён минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди.

Чегара делимитацияси якунланиши ва Дўстлик стеласи ўрнатилиши Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги тинч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Марказий Осиёда ишонч ва барқарорликни ўрнатишга фаол ҳисса қўшишда давом этмоқда, бу эса, ўз навбатида, умумий минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

**“Дунё” АА**

# ЎЗАРО ТУТАШ УЧ ИЛДИЗНИ ҚАЙТА БОҒЛАГАН ТАРИХИЙ МУЛОҚОТ

**Бу йил март ойининг сўнгги кунлари Марказий Осиё минтақаси давлатлари, ўзаро қондош-қариндош, биродар халқларимиз тақдирида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан туб бурилиш ясашга асос бўлувчи муҳим воқеаларга бой бўлди. Бинобарин, 29 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан ушбу мамлакатда олий даражадаги норасмий учрашув ўтказган бўлса, 31 март куни Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг уч томонлама тарихий учрашувида иштирок этди.**

Нима учун Хўжандга ташрифни тарихий воқеа деяпмиз? Чунки ташриф доирасида икки ва уч томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олиниб, тарихий аҳамиятга эга келишувлар амалга оширилди. Қуйида ташрифнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

**Биринчи асосий жиҳати — иттифоқчилик муносабатлари расман кучга кирди.** Президентлар ҳузурида икки давлат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома кучга кириши ҳақидаги баённомани имзолади ва ратификация ёрлиқларини алмашди. Шу асосда ўтган йили 18 апрель куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган шартнома расман кучга кирди.

**Иккинчи асосий жиҳати — уч томонлама саммитда тарихий келишувга эришилди.** Хусусан, Хўжандда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди. Қўшма декларация қабул қилинди. Бу воқеа халқларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстликни янада мустаҳкамлаш, фаровонлигини ошириш, давлатларимиз ўртасида ҳар томонлама шерикликни ривожлантириш учун мутлақо янги истиқболларни очишга замин яратади.

**Учинчи асосий жиҳати — янги инфратузилма ва транспорт алоқаларини ривожлантиришга келишилди.** Жумладан, томонлар авиақатнов ва автобус йўналишларини кенгайтириш, божхона пунктларини модернизация қилиш ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштиришга келишиб олди.

**Тўртинчи асосий жиҳати — амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, хусусан, бўлажак халқаро тадбирлар кун тартибини пухта тайёрлаш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди.** 2025 йилда ҳам Ўзбекистон қатор йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилади. Жумладан, шу ҳафта Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва минтақадаги умумий экологик таҳдидларга бағишланган Иқлим форуми бўлиб ўтади. Тошкентда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси иш бошлайди. Шунингдек, майида Кўрфаз араб давлатлари билан саммит, сентябрда эса Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи маслаҳат учрашуви ўтказилади.

**Бешинчи асосий жиҳати — маданий ҳамкорлик ва халқларимиз дўстлигининг янги даври бошланмоқда.**

Президентлар Хўжанд қалъасига ташриф буюриб, тарихий мерос ва ҳунармандлик намуналари билан танишди. Қўшма концертлар, фестиваллар ва миллий кўргазмалар мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашувга хизмат қилмоқда. Навбатдаги шундай тадбирни келаси йили Фарғона шаҳрида ўтказиш таклифи билдирилди.

Умуман олганда, Президентимизнинг Тожикистонга ташрифи икки ва уч томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга пухта замин яратди. Имзоланган шартномалар, муҳокама қилинган лойиҳалар ва режалаштирилаётган халқаро тадбирлар минтақанинг барқарор тараққиёти ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугун тарихимизда эзгулик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ёрқин саҳифаси очилди. Илдизи туташ уч халқ — ўзбек, тожик ва қирғизни бирлаштирган, уларнинг тинчлик ва дўстлик йўлидаги азалий интилишларини акс эттирган Дўстлик стеласининг очилиши нафақат минтақамиз, балки бутун дунё учун улкан аҳамиятга эга тарихий воқеадир.

Ушбу ёдгорлик асрлар давомида бир-бирига суяниб, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтган халқларимизнинг қалбан ва маънан муштарак эканини яна бир бор тамсил этади. Мазкур стела фақат мармардан ясалган обидагина эмас, у — халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, яқин биродарлик ва яхши қўшничилик тимсоли бўлган бебаҳо мерос, тинчлик ва барқарор тараққиётга интилишининг рамзи ҳамдир. Бундай ташаббуслар нафақат давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлайди, балки халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ҳурматни янада оширади, яхши қўшничилик анъаналарини давом эттириш, умумминтақавий қадриятларни улуғлашга ундайди.

Мазкур тарихий воқеа фарзандларимизнинг ҳам келгусида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик руҳида улғайиши учун чин тарбия мактаби вазифасини ўтайди. Улар тинч ва фаровон юртимизда катта орзулар сари интилади, келажакка дадил қадам ташлайди. Биз, ўзбек хотин-қизлари минтақада ҳамиша тинчлик ва бирдамликни қўллаб-қувватлаш, меҳр-мурувват, бағрикенглик ва аҳиллик ғояларини тараннум этилишидан ниҳоятда бахтиёрлик ҳиссини туямиз.

Ушбу дўстлик абадий бўлсин! Риштамиз янада мустаҳкам, келажагимиз янада нурафшон бўлсин!



**Зулайҳо МАҲКАМОВА,**
**Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси**

> **Бугун тарихимизда эзгулик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ёрқин саҳифаси очилди. Илдизи туташ уч халқ — ўзбек, тожик ва қирғизни бирлаштирган, уларнинг тинчлик ва дўстлик йўлидаги азалий интилишларини акс эттирган Дўстлик стеласининг очилиши нафақат минтақамиз, балки бутун дунё учун улкан аҳамиятга эга тарихий воқеадир.**

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ ТИКЛАНДИ, ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНДИ

**Давлатимиз раҳбарининг Хўжанд шаҳрига амалий ташрифи том маънода тарихий воқеа сифатида қардош ва биродар халқлар ўртасидаги кўп асрлик дўстона муносабатлар солномасида янги саҳифа очди.**

Сўнгги йилларда Марказий Осиё барқарор тараққиёт, конструктив ривожланиш минтақасига айланди. Албатта, бу жараёнда Президентимизнинг яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва иқтисодий интеграцияни кучайтиришга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсат стратегияси туфайли минтақа дўстлик ва очиқ мулоқот муҳитига эга бўлди. Кўп йиллик баҳсли масалалар ҳал этилди. Савдо-иқтисодий алоқалар фаоллашди. Натижада чегаралар очилди. Энг муҳими, қулай транспорт йўлаклари тикланди. Халқларимиз янада яқинлашди.

Айни мақсадда уч томонлама тарихий учрашувда мамлакатларимиз ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш, авиақатновлар сонини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш, чегараолди ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналишларини йўлга қўйиш масалалари бўйича келишиб олинди.

Халқимизда “кенгашли тўй тарқамас”, деган доно нақл бор. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг айни мақсадга қаратилган мунтазам маслаҳат учрашуви механизми яратилди. Бу хавфсизлик, экология ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича умумий қарорларни мувофиқлаштириш имконини берди.

Албатта, келишган, бирлашган — яхши. Ўзбекистоннинг очиқлик ва яхши қўшничилик сиёсати минтақада барқарорликни мустаҳкамлабгина қолмай, иқтисодий ўсиш, инвестицияларни жалб этиш ва йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Бугун Марказий Осиё шериклик макони бўлиб, унда қардош ва биродар мамлакатларимиз ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида келажакни биргаликда шакллантирмоқда.

Кейинги йилларда умумий сиёсий ирода туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома кучга кирди. Яқин кунларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ҳам шундай ҳужжат имзоланиши кутилаётир.

Бундай муносабатларни йўлга қўйиш учун жуда катта қалб, сиёсий ирода бўлиши керак. Қолаверса, бу жараёнда бутун минтақанинг бирлашуви катта аҳамиятга эга. Бу моҳиятан юзага келаётган муаммоларни фақат муроса ва бир-бирининг манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш руҳида тартибга солиш учун асос яратди.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — халқларимиз ўртасидаги маданий тадбирлар, ижодий фестиваллар, ёшлар форумлари, спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани. Бундай муносабат ўзаро бордикелдини яхшилаш, соғлом рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг юксак дипломатияси, прагматик ва узоқни кўзлаб юритаётган ташқи сиёсати туфайли бугун минтақада муҳит тубдан ўзгарди. Чегаралар очилгани элларни элларга, дилларни дилларга боғлади. Энг катта ўзгаришлар ва бундан ҳам баланд натижалар ҳали олдинда. Чунки Марказий Осиё бугун нафақат ягона иқтисодий макон, балки бир муштга айланиб, тараққиёт манзилларини ҳамкорликда белгиламоқда.



**Ўктам ОХУНОВ,**
**сенатор**

Долзарб мавзу

**Ўтган йилларда ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида экспортга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Олис ва чекка ҳудудларда кўплаб юртдошларимиз ишли бўлди. Президентимизнинг жорий йил 4 мартдаги "Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи бошланишига ҳуқуқий асос бўлди.**





# 40 ГА ЯҚИН МАХСУС САНОАТ ЗОНАСИ

## ЭНДИ ФАҚАТ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНА СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ




Фармонга мувофиқ, энди янги барпо этиладиган ихтисослаштирилган зоналар фақат махсус иқтисодий зона ёки саноат зонаси шаклида ташкил этилади. Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш муддатига оид чекловлар эса бекор қилинади.

— III Тошкент халқаро инвестиция форуми ва хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларида эришилган келишувлар натижасида махсус иқтисодий ҳамда саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш борасида қатор қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати юзага келди, — дейди Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бўлим бошлиғи Учқун Худойқулов. — Мазкур фармон хорижий инвесторларни жалб этишда юртимизнинг сармоявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Асосийси, фармон билан махсус иқтисодий ҳамда саноат зоналари фаолиятига аниқлик киритилди. Шунингдек, 2025 йилда махсус иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгиланди. Хусусан, махсус иқтисодий зоналарда 2,3 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт қийматини 1 миллиард долларга етказиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,3 миллиард долларга тенг миқдорда бўлишини таъминлаш ва 12 мингта доимий янги иш ўринлари очишдан иборат.

Шу билан бирга, саноат зоналарида 800 миллион доллар қийматидаги инвестицияни ўзлаштириш, экспорт ҳажмини 512,2 миллион, ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 миллиард долларга етказиш ҳамда 17 мингта янги доимий иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Махсус иқтисодий зоналар экспортга йўналтирилган лойиҳаларга ихтисослашган бўлади. Майдони ўралган махсус экспорт зонаси турида ҳам ташкил этилиши мумкин. Махсус иқтисодий зоналардаги ҳар хил ёндашувни бирхиллаштириш мақсадида амалда ташкил этилган беш хил турдаги иқтисодий зоналар бундан буён фақат махсус иқтисодий зоналар сифатида ташкил этилади. Айни пайтда мамлакатимиздаги 40 га яқин махсус иқтисодий, эркин иқтисодий, чегара олди, махсус саноат зоналари ва технопарклар энди фақат махсус иқтисодий зоналар сифатида фаолият юритади.

Махсус иқтисодий зоналар белгиланган чегараларга эга ҳамда махсус ҳуқуқий, солиқ ва божхона режими жорий қилиниши мумкин бўлган ер майдонида экспортбоп, юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун ташкил этилади.

— Яна бир муҳим жиҳат шуки, саноат зоналарини бошқарувчи дирекцияларга қатор ваколатлар берилди, — дейди Учқун Худойқулов. — Айни кунгача амалда аукционга ер майдонларини чиқариш, лойиҳа мажбуриятларини белгилаш имконияти йўқ эди. Бу эса, ўз навбатида, салоҳиятли тадбиркор ва инвесторларни танлаш, лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширишда қатор қийинчиликларга сабаб бўлаётган эди.

Энди ер участкалари, бино ва иншоотларни инвестиция мажбуриятлари ва муддатини белгилаган ҳолда онлайн аукционга чиқариш саноат зонаси дирекцияси томонидан амалга ошириладиган бўлди. Бу эса саноат зонаси дирекциясининг кадастр, қурилиш бўлими ва маҳаллий ҳокимликлар билан боғлиқ қатор муаммоларини ҳал этади ва ер бериш тартибини соддалаштиради.

Бундан ташқари, ерни баҳолаш механизмлари ҳам бозор қийматидан келиб чиқиб, Ер кодексига асосан белгиланади. Шу пайтгача бу жараён аукцион орқали амалга ошириб келинган.

Ер участкалари онлайн аукционга камида 10 йил ижара муддати билан, инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан сўнг хусусийлаштириш ёки ижара муддатини узайтириш шарти билан чиқарилади.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги махсус иқтисодий зоналарни бошқариш бўйича ваколатли орган бўлади. Саноат зоналари эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бошқарилади ҳамда уларнинг фаолияти Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Наманган вилоятида "Наманган" махсус экспорт зонаси ташкил этилади. 2025 йил 1 июндан махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган импорт хомашё, материал ва бутловчи қисмларни божхона тўловларини тўламаган ҳолда "товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштириш орқали уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади.

2028 йил 1 январгача махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг бир фоизи миқдорида улар томонидан ижарага берилган ер майдонлари учун тўловни амалга оширади.

Фармон билан бундан буён ташкил этиладиган барча махсус иқтисодий зоналар давлат мулки бўлган ер майдонида барпо қилинади. Олдин бундай зоналар фермер хўжаликларига тегишли ёки бирор корхона тасарруфидаги ерда ташкил этилган. Энди бундай амалиётга чек қўйилмоқда.

Янги махсус иқтисодий ва саноат зоналари фақат инфратузилма мавжуд бўлган ёки у билан таъминлаш иқтисодий асосланган, молиявий самарадорлиги ҳисобланган бизнес-режа ва мастер режа асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилиши белгиланди.

Фармоннинг моҳияти махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# ДЕВОРИЙ СУРАТ ҲАВОНИ ТОЗАЛАБ БЕРЯПТИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАВОНИ ТОЗАЛАЙДИГАН ИЛК ДЕВОРИЙ СУРАТ ЧИЗИЛДИ

**Пойтахтимиздаги кўп қаватли бинолар деворини турли мавзуларни акс эттирувчи тасвирлар билан безатиш кейинги йилларда оммалашиб боряпти. Тошкент шаҳри Сергели туманида ана шундай деворий суратлардан яна бири пайдо бўлди. Фақат у бошқа расмлардан мутлақо фарқ қилади. Деворий тасвир шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга, унга ишлатилган ноёб бўёқлар ёрдамида ҳавони тозалаш хусусиятига эга. Халқаро майдонда тан олинган ушбу инновацион технология Ўзбекистонда илк маротаба қўлланди.**




Деворий тасвир Италиянинг "The Blue Planet" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ноёб "Airlite" бўёқларида чизилган бўлиб, айнан шу бўёқ муайян масофадаги ҳавони тозалаб туради. Технология мураккаб қурилмаларга асосланмаган. Бўёқ таркибидаги титан диоксиди атмосферадаги ифлослантирувчи зарарли моддалар билан реакцияга киришиб, уларни хавфсиз нитратга айлантиради. Натижада ҳаводаги зарарли модда ва чиқиндилар сезиларли даражада камаяди. Бу жараён қуёш нури таъсирида амалга ошади. Бўёқнинг бундай таъсирини худди момақалдироқдан кейин ҳавонинг манфий зарядланган ионлар билан тозаланиши ёки ўсимликларнинг ҳаводаги карбонат ангидридни ютиб, кислород ажратиб чиқарувчи фотосинтез жараёни каби табиий ҳолатларга қиёслаш мумкин.

2007 йилда қизиқ тажриба ўтказилган: Рим шаҳридаги энг ифлосланган ҳудудлардан бири — Умберто I туннелини "Airlite" бўёғи билан қоплаш таклиф қилинди. Тажрибадан аввал ва кейин туннелнинг ифлосланиш даражаси текширилганида бир ойдан кейинги натижалар туннелдаги зарарли моддалар миқдори 50 фоиз камайганини кўрсатди. 2024 йилдан эса Рим шаҳри ҳокимлиги шаҳар биноларидаги хўжалик ишларида "Airlite" бўёқларини қўллаш тўғрисида қарор чиқарди.

Инновацион бўёқ қуёш нурининг иссиқлик тарқатувчи компонентларини қайтариб, ортиқча қизиб кетишнинг ҳам олдини олади. Унинг бу хусусияти биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда шаҳарларда "иссиқлик ороли" таъсирини камайтириш орқали ҳароратни пасайтиришга ёрдам беради. Мазкур технология 2019 йилда БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури томонидан ҳавонинг ифлосланишига қарши ёрдам берадиган тўртта инновацион технология қаторига қўшилиб, энг истиқболли ечимлардан бири сифатида тан олинган. Ноёб бўёқ бешта халқаро патент билан ҳимояланган бўлиб, қатор сертификатларга эга.

— Ҳозир "Airlite" бўёқлари дунё бўйлаб шаҳар деворий тасвирларидан тортиб, шифохона интерьерларигача кенг қўлланмоқда. Ҳатто "IKEA", "Nike", "Volkswagen" каби машҳур брендлар ўз лойиҳаларида фойдаланяпти. TBC Bank мутахассислари ушбу технология билан танишиб, унинг чиндан самарали эканига ишонч ҳосил қилгач, ижтимоий лойиҳани юртимизда амалга оширишга қарор қилдик, — дейди реклама бўлими бошлиғи Соҳиб Ғуломов. — Бунинг учун пойтахтнинг Сергели тумани танлангани ҳам тасодиф эмас. Айни пайтда у Тошкентнинг энг жадал ривожланаётган, аҳоли зич жойлашган ҳудудларидан бўлиб, лойиҳа орқали кўплаб инсонларни қамраб олиш, одамларга эстетик завқ бериш баробарида, ҳудуд ҳавосини яхшилашга ҳисса қўшиш мақсад қилинган. Деворий тасвирда санъат ва инновацион технология уйғунлашгани замонавий шаҳарсозлик ёндашувларини ифодалайди.

### Ҳаво учун янгича "фильтр"

Деворий суратда шарқона қиёфадаги қизнинг чинор соясида туриб, тоза ҳаводан эркин нафас олаётгани тасвирланган. Расмдаги ҳар бир тасвир муайян маънога эга. Умумий кўриниш софлик, мусаффо ҳаво, инсоннинг атроф-муҳит билан уйғунлигини ифодалайди. Алоҳида тасвирлар орқали эса экологик муаммолар тобора мураккаблашиб бораётган асримизда инсоният атроф-муҳитни асрашга дахлдорлиги, тоза ҳаводан нафас олиш ўз қўлимизда эканини англаш мумкин.

Ушбу ғоя ва деворий сурат муаллифи — маҳаллий рассом Надежда Риқсиева. Тошкентда туғилиб ўсган бу ижодкор ички деворлар интерьери ҳамда бинонинг ташқи фасадини бўяшда катта тажрибага эга. Профессионал ва техник маҳорати кўплаб асарларида кўринади. Лойиҳа учун рассомни танлашда шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Қолаверса, Надежда таклиф қилган эскиз ташаббускорларга маъқул келди. Рассом ўзи тасвирлаб берган эркинлик, тоза ҳаво ва табиат уйғунлигини деворий суратда гавдалантирди.

Шундай қилиб, жорий йил мартда пойтахтимизнинг Сергели тумани Меҳригиё маҳалласидаги кўп қаватли бино деворида ҳавони тозалайдиган илк тасвир пайдо бўлди. Умумий 250 метр квадрат қопламага эга мурал кунига 50 та автомобилдан чиқадиган зарарли моддани нейтраллаб, ҳавони тозалайди. Мутахассисларнинг айтишича, "Airlite" бўёғининг таъсири унинг ноорганик минерал таркиби туфайли узоқ йиллар давомида сақланиб қолади. Инновацион бўёқ атмосфера таъсири ва ифлосланишига ўта чидамли бўлиб, ҳаводаги зарарли моддалар миқдорини узоқ муддат камайтиришга ёрдам беради. Суратдаги QR-код орқали эса мазкур деворий тасвир ҳамда бошқа экологик лойиҳалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

— Одамлар ҳаво тозаланаётганини дарров пайқади. Ўзим ҳам биринчи куниёқ тасвир ўрнатилган жойдан 50 метр нарида туриб ҳаво сифати ўзгарганини сездим, — дейди "Меҳригиё" МФЙ раиси Дилрабо Абдуллаева. — Маҳалламизда шундай сурат чизилиши ҳақида айтилганида жуда қувониб, қўллаб-қувватлагандим. Чунки бу ерда 6 мингдан ортиқ одам истиқомат қилади, доимий ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари жуда кўп. Улардан ҳар куни қанчадан қанча заҳарли газ чиқади. Бу ўз-ўзидан ҳавонинг ёмонлашишига, одамларнинг нотоза ҳаводан нафас олишига сабаб бўляпти. Тўғри, ҳозир бундай муаммо кўплаб ҳудудларда мавжуд. Шу боис, замонавий чора-тадбирларни кўпайтириш, маҳалламиздаги деворий тасвир каби инновацион ечимларни қўллаш айни муддао деб биламан.

Ижтимоий лойиҳа юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили доирасидаги фаол саъй-ҳаракатларнинг бир қисми. Қолаверса, ривожланиш таъсирида ҳавосининг ифлосланиш даражаси ортиб бораётган шаҳарлар учун янгича ечимлардан биридир. Шу боис, лойиҳа давом этиши ва юқоридаги каби экологик деворий тасвирлар, санъат асарлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудида ҳам пайдо бўлиши тарафдоримиз. Лойиҳага ёш ижодкорлар, ҳаваскорларни жалб қилиш орқали ижтимоий кўламини янада кенгайтириш мумкин.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Янгича ёндашувлар

**Баҳорги юмушлар Ҳафизани бир оз шоshiриб қўйди. Ерни шудгорлаш, экин экиш каби юмушларга вақт, имкон тополмай қолди. Турмуш ўртоғи узоқ сафарда, ўзи иш, фарзанд тарбиясидан ортмайди. Болаларига қилдирай деса, улар ҳали ёш.**



# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚИЙМАТИ

## 1 МИЛЛИАРД СЎМГА ЕТАДИ

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида сервис кўрсатувчи компания ишлаётгани ёдига тушди. Компания вакиллари билан телефон орқали боғланиб, томорқани шудгорлаш, текислаш, ариқ очиш хусусидаги фикрларини баён қилди. Кўп ўтмай, сервис хизматчилари иш қуроллари билан етиб келди. Ҳафиза ишдан келганда 6 сотих майдон шудгорланиб, экин экиш учун тахт қилиб қўйилганди. Уй бекаси ишчи-хизматчилар меҳнатидан миннатдор бўлди.

Президентимиз раислигида шу йил 17 март куни ичимлик сув ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказилган видеоселекторда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни ривожлантириш, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Ўтган йили тажриба тариқасида мамлакатимиздаги 208 та маҳаллада "маҳалла сервис" компанияси ташкил қилиниб, аҳолига 23 турда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган эди. Бу тизим самара берди. Маҳаллалар ҳар жиҳатдан обод бўлиб, одамларнинг оғири енгиллашяпти.

Бағдод туманидаги "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган компания ана шундай истиқболли лойиҳалар сирасига киради. Компания туман ҳудудидаги "Бордон", "Чек Хитой", "Матқулобод" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли ва бошқа ижтимоий объектларга хизматларини таклиф этиб келяпти. Дам олиш кунларисиз, 24 соатлик иш тизими йўлга қўйилган. Тўловларни ундиришда "Менинг уйим" электрон дастуридан фойдаланилмоқда. Компания ҳовлисида ҳунарманд ва буюртмачилар учун керакли хомашёлар савдоси ва ижара хизмати йўлга қўйилган.

— Президентимиз ўтган йили 11-12 июль кунлари маҳалламизда бўлиб, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, сервис турларини кўпайтириш борасидаги амалий маслаҳати иш кўламини янада кенгайтириш имконини берди, — дейди "Юксалиш" маҳалла сервис компанияси раиси Абдурашид Сирожиддинов. — Ўтган йилнинг ўзида турли йўналишларни қамраб олган 500 миллион сўмдан ортиқ сервис кўрсатдик. Айни кунда гилам ювиш, қуёш панелларини ўрнатиш ва сервис кўрсатиш, увада титиш, чархчилик, қурилиш ҳавозалари ижараси, маросимлар учун стол-стуллар етказиб бериш каби янги хизмат турларини таклиф қиляпмиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда барча йўналишларда хизмат кўрсатиш қийматини 1 миллиард сўмга етказамиз. Бу қўшимча техника ва иш қуроллари сотиб олиш, янги иш ўринлари очиш, хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш имконини беради.

Маҳалла саранжом-саришта, ҳар жиҳатдан обод масканга айланган. Бу ерда чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва олиб чиқиб кетиш ташкил этилган. Маҳалла фуқаролар йиғини буюртмаси асосида ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ариқ ва бошқа суғориш тизимларини тозалаш, кўчат экиш, парваришлаш, ижтимоий соҳа объектларини ободонлаштириш, коммунал эксплуатация хизматлари йўналишларида амалий ишлар қилиняпти. Натижада маҳалла ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўплаб муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топилмоқда. Ҳудудда яшовчи уста-дурадгор ва бошқа касб эгалари сервис компаниясидаги яхши ҳақ тўланадиган ишларга жалб этиляпти.

— Пайвандчилик малакасига эгаман, аммо керакли меҳнат қуроллари йўқлиги учун бир неча йилдан буён Россияда ишлаб келаётгандим, — дейди уста Ғанишер Йигиталиев. — Уйимизга яқин ҳудудда ташкил этилган маҳалла сервис компанияси мени замонавий пайвандлаш қуроллари билан таъминлаган ҳолда ишга таклиф қилди. Рози бўлдим. Адашмаган эканман. Айни кунда аҳоли буюртмаси асосида темир дарвоза, панжара, тўсиқлар, сўриток, чорвачилик тармоқлари учун жиҳозлар тайёрлаб беряпмиз. Шу ерда туриб ҳам хориждагидан кўп даромад топиш имкониятига эга бўлдим. "Уста-шогирд" мактаби асосида ўнлаб ёшларга касб сирларини ўргатяпман.

Маҳаллаларда замонавий уй-жой, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш тармоқлари қурилиши сантехника хизматларига талабни оширди. Сервис компания бу йўналишда ҳам ўз хизматларини таклиф этмоқда.

— Сув, газ ва бошқа тозалаш иншоотлари қуриш, таъмирлашда кўп қийинчиликка дуч келганмиз, — дейди маҳалла фаоли Юнусали Қодиров. — Усталар узоқ йўл босиб шаҳар ва туманлардан келган. Керакли жиҳозлар етишмагани учун хизмат ҳажми ҳам юқори баҳоланган. Энди бунга зарурат қолмади. Сервис компания бу борада ўз хизматларини таклиф қиляпти. Иш сифати юқори, нархи бирмунча арзон. Махсус савдо дўкони фаолияти ҳам йўлга қўйилгани эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳсулот харид қилиш имконини бермоқда.

Фақат бугина эмас. Компания ҳузурида буюртмачилар талаби ва истагига кўра, турфа кўриниш ва ўлчовдаги тунука маҳсулотлари тайёрлаш, ўрнатиб бериш хизмати йўлга қўйилган. Тўлов мижозлар талаби ва истаги асосида амалга ошириляпти.

— Янги қурилган уй-жойларнинг томини ёпишда компания хизматидан фойдаландим, — дейди Мўминжон Аҳмадёров. — Авваллари бу ишларни бажариш учун ўн чақирим йўл босиб, туман марказидаги устахоналарга мурожаат қилганмиз. Бир ишни бажариш учун кўплаб оворагарчиликка дуч келардик. Энди ҳаммаси бошқача. Усталар — маҳалладошларимиз, хизмат нархи ҳам ҳамёнбоп.

Маҳалла ҳудудида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, имтиёзли аукцион орқали ер олганлар ташаббуси билан 10 гектар ерда "Бир контур — бир маҳсулот" тамойили асосида 6200 тупдан ортиқ бодом кўчати экилди. Ерни экинга тайёрлаш, шудгорлаш, чуқур қазиш, парваришлаш, зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоялаш билан боғлиқ ишларни маҳалла сервис компанияси ўз зиммасига олди.

Аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш орқали турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида ташкил этилган янги тизим маҳаллаларга файзу барака киритмоқда. Одамларда озодалик ва дахлдорлик маданиятини кучайтириб, усталар ва вақтинча ишсизлар бандлигини таъминлаш имконини беряпти.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



**Шоҳруҳ ДАЛИЕВ,
олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари**

**Марказий Осиё бой тарихий, маданий ва иқтисодий мероси билан танилган, шунингдек, бугунги кунда глобаллашув ва модернизация жараёнларига замонавий қадамлар билан қўшилаётган минтақадир. Минтақадаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг интеграция ва ўзаро ҳамкорлик йўлидаги кучи беқарор кечаётган дунёда жиддий аҳамиятга эга. Ўз навбатида, мазкур давлатлар раҳбарларининг ҳар бири ўз мамлакатининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ушбу ҳамкорлик орқали ривожлантиришга қатъий тайёр эканини намоён этмоқда.**

Бу мамлакатлар ўртасидаги таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик, авваламбор, минтақа давлатларининг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Дўст ва қардош халқлар орасидаги ўзаро маданий алоқалар, умумий тил ва тарихий мусобақалар бунга асос бўлади. Шунингдек, минтақадаги мамлакатлар ўртасида фан, билим ва инновациялар алмашинуви, олий таълим муассасаларининг ҳамкорликда фаолият юритиши ҳар бир мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кундаги сиёсий ўзгаришлар ва давлатлараро ҳамкорликнинг фаоллашуви Марказий Осиёнинг фан ва таълим соҳасидаги интеграциясини янги босқичга олиб чиқишга ёрдам бермоқда. Шу ўринда 2022 йилдан бери ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари ректорлари форуми ушбу жараённинг муҳим қисмига айланмоқда. Бу форумлар таълим ва илм-фан соҳасидаги ишончли ҳамкорлик ва стратегик



қарорларни қабул қилиш учун аниқ платформа бўлиб, Марказий Осиё давлатлари олий таълим тизимини дунёга интеграциялашга хизмат қилмоқда.

2022 йилда Олмаота, 2023 йилда Душанбе ва 2024 йилда Бишкекда ўтказилган Марказий Осиё ректорлари форумлари минтақа университетлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Бу форумлар таълим ва илм-фан соҳасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур форумларда минтақа университетлари ўртасида талабалар ва профессорлар мобиллигини, таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасалари ўртасида филиаллар очиш имкониятлари, илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим дастурларини такомиллаштириш, академик ҳамкорлик ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси каби масалалар муҳокама қилинди. Форумлар Марказий Осиёнинг ушбу соҳадаги мавқеини мустаҳкамлаш ва уни халқаро миқёсдаги таълим хабига айлантириш учун янги йўллар очмоқда.

Президентимизнинг Тожикистонга 2018 йил март ойидаги давлат ташрифи чоғида икки давлат олий таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида муҳим битим имзолангани ўзаро алоқаларнинг янги босқичини белгилаган тарихий воқеа бўлди. Бу битим Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги илмий алоқалар ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик кучайишига олиб келди. Ушбу ҳужжат икки давлат ўртасидаги таълим соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва илмий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Сўнгги уч йил ичида икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасида 65 дан ортиқ ҳамкорлик келишуви ва меморандум имзоланди. Уларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 30 та олий таълим муассасаси Тожикистоннинг 15 дан ортиқ университети ва илмий таълим ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Тожикистон олий таълим муассасалари Ўзбекистондаги университетлар билан доимий академик алмашинувларга эга. Бу алмашинувлар, университетларда лекциялар ўқиш талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро амалиёт ва тажриба алмашишига йўл очмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон ва Тожикистон олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликдаги илмий-амалий форумлар ва семинарларда иштирок этиш, ўзаро малака ошириш, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, стажировка ўташ оддий ҳолга айланди. Ўзаро ҳамкорликдаги иккита қўшма таълим дастури йўлга қўйилган бўлиб, “1+3” ва “2+3” шаклида амалга оширилмоқда.

Қирғизистон талабалари учун эса Ўзбекистонда ҳар йили 100 та грант квотаси ажратилган, ҳозир қирғизистонлик 360 талаба юртимиз олийгоҳларида таҳсил олмоқда. Ўз навбатида, Ўш давлат университетида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан Ўзбек тили ва маданияти маркази очилиши икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Қирғизистон ва Ўзбекистон университетлари ўртасидаги илмий ва маданий алмашинувлар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ҳамкорлиги олий таълим сифатини оширишга кўмаклашмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон олий таълим муассасалари ўртасида 4 та қўшма таълим дастури амалга оширилмоқда, улар доирасида жами 188 нафар талаба ўқимоқда. Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетининг Чирчиқ шаҳридаги филиали ва “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Олмаотадаги филиали 2024 йилдан ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон ва Туркманистон олимлари ҳамкорлигида қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилиши миллий ва глобал муаммолар ечими йўлида янги ёндашувларни татбиқ этишда муҳим платформага айланмоқда. Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Туркманистон Фанлар академияси томонидан илмий тадқиқот соҳасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида эълон қилинган танлов икки давлат олимлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, илмий тадқиқотларни амалий жараёнларга татбиқ этишга ва янги технологияларни жорий этишга йўналтирилган.

Танлов доирасида энг долзарб ва истиқболли йўналишлар қамраб олинди. Энергия тежамкорлиги ва инновацион технологиялар, тиббиёт ва фармацевтика, биотехнология ва кимё, рақамли иқтисодиёт ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари каби соҳаларда илғор ғоялар илмий муҳокамага қўйилди. Шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги саноатини ривожлантириш, табиий офатларни олдиндан башорат қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш масалалари ҳам тадқиқотчилар диққат марказида бўлди. Ҳозир Туркманистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда танлаб олинган 4 та истиқболли лойиҳа молиялаштирилди ва улар амалга оширилмоқда. Бу ҳамкорлик икки давлат олимларига илмий билим ва тажрибалар алмашиш имконини бериш билан бирга, фан ва инновациялар орқали иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ҳисса қўшишга ҳам йўналтирилган.

Марказий Осиё давлатлари олий таълим муассасалари орасидаги алоқалар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Турли ҳамкорлик дастурлари, талабалар алмашинуви ва ўқитувчиларнинг тажриба алмашинуви бу соҳадаги муваффақиятли амалий натижалардан биридир. Марказий Осиё мамлакатлари фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишда ўз ўрнини топмоқда. Технология ва инновациялар соҳасидаги алоқалар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, туризм, энергетика, ахборот технологиялари ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда биргаликдаги лойиҳалар нафақат таълим тизимини, балки саноатни ҳам мустаҳкамламоқда. Натижада Марказий Осиёдаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказлари янги илмий технологияларни жорий қилишда биргаликда ишламоқда.

Бугунги кунда фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик, айниқса, ёшлар учун катта имкониятлар яратяпти. Талабаларнинг илмий тадқиқотлар, тренинглар ва амалий машғулотларда қатнашиши, замонавий билимларни ўзлаштириши учун кенг йўл очилмоқда. Бундан ташқари, минтақавий олий таълим тизими глобал стандартларга мослашмоқда ва бу ёшлар учун халқаро иш ўринларида фаолият юритиш имкониятларини кенгайтиряпти.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик минтақа таълим тизими, илмий тадқиқотлар ва инновациялар соҳасидаги салоҳиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга, ўзаро тўғри ва самарали муносабатларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги роли кучайишига имкон яратади.

---

Юксалиш палласи

# МАМЛАКАТНИНГ “ОЛТИН ФОНДЛАРИ”

## “ПЕЧАК ЛИГАСИ” УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАДИ

**Маънавий янгиланиш йўлидан боряпмиз. Мамлакатнинг “олтин фонди”га катта умид боғланган. Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган шу кунларда навқирон авлод вакилларининг таълим-тарбиясига ҳар қачонгидан кўра юксак эътибор қаратилаётир. Зеро, юрт иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳада ривожланган давлатлар ёшлари билан рақобатлаша олиши уйғоқ фикрли йигит-қизларга боғлиқ. Эртага эл корига ярайдиган асл фарзандлар энг илғор таълим тизими тенденцияларини ўзида мужассам этган муҳитда камолга етади. Яхши йўлга қўйилган таълим тизими сифатли кадрларни, сифатли кадрлар эса ривожланган жамиятни барпо этади.**



Жорий йил 27 март куни давлатимиз раҳбари ҳузурида тақдимоти ўтказилган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалардан кўзланган мақсад ҳам шу.

Юртимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнига илғор технологиялар, услублар ва хориж тажрибасини кенг жорий этиш, ўғил-қизларни ўқитиш ва тарбиялашда яхлит тизим яратиш, истеъдодлиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг имкониятлар яратиляпти. Жумладан, 14 та Президент мактаби, 185 та ихтисослашган ва 9 та ижод мактаби ташкил этилгани, улардаги ўқитиш ва баҳолаш тизими 1500 та умумтаълим мактабида ҳам жорий этилгани самараси бугун ўғил-қизлар эришаётган ютуқларда яққол кўзга ташланмоқда. “Янги Ўзбекистон” университетида иқтидорли талабалар таҳсил олмоқда.




Ёшларимизнинг жаҳон даражасида билим олиши учун замин бўлган ушбу хайрли ишларни тизимли давом эттириш бугуннинг муҳим талаби. Хусусан, тақдимотда жорий йил сентябрдан халқаро мактаб фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилаётгани қайд этилди. Бунга дастлаб 8-синф битирувчилари орасидан энг иқтидорли 60 ўғил-қиз саралаб олиниши, таълим дастури халқаро андоза асосида 3 қисмдан — асосий фанлар, ихтисослик фанлари, етакчилик ва ижтимоий фаолликни ўргатувчи фанлардан иборат бўлиши назарда тутилган. Ўқув йили триместр тамойили асосида олиб борилиб, 11 ой давом этади.

— Бу мактабда ўқитиш муддати 3 йил бўлади, — дейди Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори Алишер Уббиев. — Буюк Британия таълим тизимига оид A-level (илғор ўрта таълим тўғрисидаги) дастури бўйича қилган ишларимиз самара берган. Муҳаммад ал-Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабларда ҳам халқаро IB (International baccalaureate) дастури асосида тажриба тўплаб боряпмиз. Янги халқаро мактабда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, халқаро AP (Advanced placement) дастурини татбиқ этишни кўзлаяпмиз. Унда асосий фанлардан ташқари, ихтисослик фанларига ҳам эътибор қаратилиб, лидерлик жамияти бўйича жамоат фаоллиги, менторлик ва карьера ривожланиши каби дастурларга алоҳида ўрин ажратиляпти.

Қабул жараёни уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда академик ютуқлар ва ўқитувчи тавсияномаси, иккинчи босқичда тест синови, математика, табиий фанлар, танқидий тафаккур ва инглиз тилини билиш даражаси, учинчи босқичда эса суҳбат ва эссе ёзиш, лидерлик, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятига баҳо берилади. Ушбу мактабнинг ўқув дастурларида ҳар бир ўқувчининг портфольесини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳафталик юклама 40 соатгача бўлиши кўзда тутиляпти.

Бу муассаса мактаб-интернат шаклида ташкил этиладигани учун халқаро тажрибада ушбу кўрсаткичга рухсат берилган. Бундан ташқари, кенг танлов фанлар, асосий фанлар инглиз тилида ўқитилиши, қўшимча испан, француз ва немис тилларини ўргатиш ҳам назарда тутиляпти. Ҳар йили реал воқеалар асосида илмий тадқиқотлар ўтказилади.

Мақсад — иқтидорли ёшларни халқаро тажрибани кенг, тизимли ўрганишга йўналтириш, ҳар йили салоҳиятли бир-икки ўқувчимизнинг нуфузли олийгоҳларга ўқишга кириши билан кифояланиб қолмаслик, уларнинг сафини кенгайтириш. Бир йилда юзлаб битирувчининг энг яхши университетларга ўқишга киришини таъминлаш учун халқаро мактаб лойиҳаси ишга тушириляпти.

Президентимизнинг яна бир ташаббусига мувофиқ, ёшларимизни АҚШнинг “Печак лигаси” (The Ivy League) каби университетларига тайёрлаш тажрибаси йўлга қўйилади. Бунинг учун 6 босқичли Миллий дастур қабул қилинади. Бу йил дастлаб 3000 ўқувчи саралаб олинади. Уларга Президент таълим муассасалари ва ихтисослашган мактаблардан 208 маслаҳатчи бириктирилади.

Президент таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқувчиларга ўз йўналишини тўғри белгилаш, олийгоҳлар ҳақида маълумот бериш, ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртларига ҳужжатларни тўғри юборишга кўмаклашиш учун мактаб маслаҳатчиси вазифаси таъсис этилган. Ўқувчиларга таълим йўналишлари бўйича индивидуал маслаҳат бериш, уларни ривожланган мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртлари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш, олийгоҳларга ҳужжат топшириш ва рўйхатдан ўтиш бўйича керакли тавсиялар бериш, эҳтиёж юқори касблар билан таништириш ва йўналтиришда мактаб маслаҳатчиларининг аҳамияти катта. Шунингдек, ўқувчиларимизнинг дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан таклиф олиши ва грант қўлга киритиши замирида малакали мактаб маслаҳатчисининг хизмати беқиёс.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги мактаб маслаҳатчиларига нафақат ўзи ишлаётган, балки мамлакат бўйича 208 та тумандаги мактабларнинг ўқувчилари бириктирилади. Туман бўйича ўқувчилар ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказилади, хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи сертификатга эга, фан олимпиадалари ғолиблари билан манзилли ишлаш йўлга қўйилади. Ҳар бир мактаб маслаҳатчисига тумандан 15 ўқувчи бириктирилади. Президент мактаби маслаҳатчиси эса ўша ҳудудга бош маслаҳатчи этиб тайинланади.

Ўқувчилар Ренессанс оромгоҳида йил давомида 3 ҳафталик интенсив ўқув курсларида ўқитилади. Яхши натижа кўрсатган 40 нафари нуфузли университетлар ёзги лагерларига юборилиши кўзда тутилмоқда.

— “Печак лигаси”га кирувчи Массачусетс технология институти, Гарвард, Йель, Пенсильвания, Стэнфорд, Принстон, Колумбия, Браун, Чикаго каби дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларда ўқишни орзу қилмайдиган ёш бўлмаса керак, — дейди Алишер Уббиев. — Зотан, дунёдаги жуда кўп машҳур олимлар, сиёсатчилар айнан шу университетларнинг битирувчиларидир.

Юқори академик кўрсаткичдан ташқари, SAT, TOEFL, IELTS каби инглиз тили ёки бошқа фанни билиш даражасини кўрсатувчи сертификатлар натижаси, лидерлик ва ташаббускорлик, ижтимоий фаоллик, кучли, мазмунли иншо, тавсиянома хатлари, эрта ҳужжат топшириш, улар билан ёзги мактаб дастурларида мунтазам иштирок этиш университетларнинг асосий талаби.

“Печак лигаси”га кирувчи университетларда таҳсил олаётган талабаларимиз унча кўп эмас. Яна 3 битирувчимиз энг илғор 20 таликка кирувчи Оксфорд, Кембриж, Калифорния университетида ўқимоқда. Ўтган йили 1 битирувчимиз Гарвард университетига грант асосида қабул қилинган эди. Куни кеча яна бир хушхабар эшитдик: Нукус шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Айдос Китайбеков АҚШнинг “Печак лигаси”га кирувчи Браун университетига тўлиқ грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Шу йилнинг феврал ойида эса Гулистон шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Асилбек Ашуров дунё бўйича 14-ўринда турадиган Чикаго университетига ўқишга қабул қилиниб, ушбу олийгоҳнинг тўлиқ грантини қўлга киритган илк ўзбекистонлик ўқувчи сифатида тарихга кирди.

Бундай хушхабарлар эпкини қалбни ҳаяжонга, ифтихорга тўлдиради. Ўзбек фарзандининг тафаккур кучи, ижодий қуввати ҳамиша юқори бўлган. Аммо имконият ва шароит, ўзини намоён этиш учун майдон етарли эмас эди. Бугун яратилган имкониятлар натижаси ўлароқ шу салоҳият эгалари дунё таълими саҳнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётир.

Иқтидори, мактабда эришган ютуқлари, эгаллаган билими, устозларининг қўллаб-қувватлови билан энг нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган ёшларимиз билан қанчалик фахрланмайлик, дунёнинг машҳур университетларида таҳсил оладиган талабалар сонини янада кўпайтириш, йигит-қизларни шунга тайёрлаш кун тартибидаги вазифа бўлиб қолаверади.

Тақдимотда яна бир муҳим масала — чет элда ўқиган ёшларни ватанимизда ўз соҳаси бўйича муносиб иш билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилди. Бу борада “Мамлакат олтин фонди ҳамжамияти”ни тузиш таклиф этилди. У орқали иқтидорли ёшлар ягона платформада бирлаштирилади. Хорижда таълим олиб қайтганлар учун имтиёзлар, грантлар, стартап дастурлари ва бошқа имкониятлар яратилиши ёшларни бир мақсад ва маслак — ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида бирлаштириши шубҳасиз.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари, Президент мактаблари, “Янги Ўзбекистон” университети, халқаро мактаб битирувчилари, миллий дастур иштирокчилари, ҳар йили жами 4000 га яқин иқтидорли ёшни бир платформада ҳамжамиятга йиғиш, кейинги авлод билан учрашув, қурултой ташкил қилиш ҳам режалаштириляпти.

Ҳар йили май ойида ҳамжамият қурултойи ўтказилиб, унда таълимислоҳотлари, иқтидорли ёшлар учун яратилган имкониятлар, чет эл олийгоҳлари тажрибаси каби мавзуларда мулоқот йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. Бу нафақат бир кунлик қурултой, балки ҳафталик тарзида турли ёркин тадбирларга бой бўлиши кутилаётир.

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**








# “КЎЗЛАРИМНИНГ ОЛЛИДА ДАВРОН ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ”

Эссе



**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Икки ёндаги тепаликда тизза бўйи ўт ўсган, кунгай бетдаги лолақизғалдоқлар алвонранг гиламдай кўзни олади. Сариқ чечаклар ўша яшилликка ўзгача чирой бахш этган. Тепаликка қараб чиқаётган машина мотори бир маромда овоз чиқариб, олға интилади. Ҳамроҳим, синфдошим Элёр мум тишлагандай мана шу гўзал манзарага маҳлиё бўлган. Диққатимни чалғитмаслик учун йўлга кўз тикаман, зум ўтмай машина тепаликни забт этиб, пастга қараб кетган йўлга ўнгланди.**

Қуйида пахсадевори лойсувоқ бўлган кулба, унга туташ қилиб йўлтўсиқ (шлагбаум) ўрнатилган. Унинг икки ёнида аскарлар бургут нигоҳи билан бизга қарайди. Машина блокпост ёнида тўхтагач, аскарлардан бири келиб, салом бериб ҳужжат сўрайди. У аввалига ҳужжатдаги расм билан бизни солиштириб кўради, кейин юкхонани очишимни айтиб, паспортларимизни пахсадеворнинг ойнасиз туйнугидан ичкарига узатади. Зум ўтмай ичкаридаги киши чақиради. Темир эшикдан нимқоронғи хонага кириб, унвони катта аскар билан сўрашаман.

— Рухсатномангиз борми? — у аскарларга хос жарангдор овозда сўроққа тутади. Қандай рухсатнома олиш кераклигини билмай ажабланаман. У босиқлик билан тушунтиришга ўтади.

— Сиз чегара ҳудудга ўтишдан олдин туман Ички ишлар бўлимига бориб рухсат олишингиз керак...

— Чўпонларнинг уйига мол кўришга келяпман, чегарага бормайман, — дейман капитанга қўлим билан Боботоғни кўрсатиб. Тоғ биз турган жойдан 30-40 чақирим нарида. Тожикистон билан чегара ҳам ўша ерда. Чегара илон изидай гоҳ тоғнинг бизга томонидан, баъзи ерларда унинг нариги томонидан ўтган. Аммо ундан берида эмас. Биз кўзлаган манзил эса мана бу паст-баланд тепаликдан иборат дашт ўртасида, блокпостдан нари борса беш чақирим ичкарида. Шу боис, бу ерлар чегара эмас, чегараолди ҳудуд, дейилади. Буни аскарлар, айниқса, уларга кўз-қулоқ бўлган капитан яхши билади. Биладию, ўзига берилган топшириқдан ташқарига чиқолмайди.

— Биламан, чегарага яқин бормайсиз, Сафар чўпонни яхши танийmiz, Абдураҳмон аканинг отаси, шунақами? — дейди капитан. Унинг “шунақа”сидан тошкентлик деб ўйлайман. Капитан водийлик эканини билганимдан сўнг уни бу ерларни яхши билмасликда айблагандай бўламан. Капитанга болалигим шу йўлдан тоғ ортига қатнаб ўтгани, ўша томонда ҳам биз каби одамлар яшаши, энди-энди чегаралар ёпилганини айтаман. Тағин авжим келиб, битта мен рухсатсиз ўтганим билан Боботоғ кичрайиб қолмаслигини таъкидлайман. Капитан кулади. Унинг кулгисида ачинишми ё меҳрми, нимадир ўзгача эканини биламану, аниқ фарқлай олмайман.

— Биламан, окагинам, водийга боринг, йўлнинг бир томони Ўзбекистон бўлса, нариги томон Қирғизистон, битта кўчани кесиб ўтиш учун ҳам рухсат керак, — дейди капитан қўлини елкамга ташлаб ва бирдан ҳарбийларга хос қатъият билан давом этади. — Бизнинг низомда меҳрибонлик қилиш учун қоида бузиш мумкин, деган банди бўлганида жон деб қўйиб юборган бўлардим.

Биламанки, капитан аҳволимни юракдан ҳис этиб турибди, аммо хизмат доирасидан ташқарига чиқа олмайди, чорасиз. У узр сўраб ташқарига кузатиб қўяди. Ўттиз чақиримдан кўп йўл босиб, манзилга етай деганда мажбур ортга қайтамиз. Энди тиззага уриб ўсган яшиллик ҳам, алвонранг “гилам”лар ҳам ғамгин кўринади. Инсон кайфияти қандай бўлса, нима ҳақида кўпроқ ўйласа, дунё унга айни шу шаклда қучоқ очар экан-да деб ўйлайман.

Шу кунларда, байрам кунлари дилларни шод қилган хабарларни кузатиб, ўшанда тўғри ўйлаганимга яна бир карра амин бўлдим. Бу ҳақда кейинроқ...

Юртимизда Наврўз ва Рамазон ҳайити шукуҳи кезиб юрган бир паллада давлатимиз раҳбари 31 март куни амалий ташриф билан Тожикистонга борди. Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг мустақил ривожланиш тарихида илк бор уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ўша куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар. Дўстлик стеласи бир-бирига тиргак бўлган уч қояга ўхшайди. Уларни боғлаб турган белбоғ — дўст-биродарлик, аҳил қўшничилик риштасига қиёс қилингандай гўё. Яқин қўшнилар, қариндошлар орасидаги ришта ниҳоятда нозик ва айни дам жуда мустаҳкам бўлади.

Нозиклиги шундаки, бегона отган тошидан кўра, қондош улоқтирган пахта қаттиқ тегади. Мустаҳкамлиги шуки, қанчалик сен-менга борманг, аразлаб юзни терс бурманг, оғир кунда барибир қондошлик тортади, чин дилдан унга ҳамдард бўласиз. Гарчанд буни унинг ўзига сездирмасангиз-да.

Марказий Осиё давлатлари анча йиллар чегара масаласида муросага кела олмади. Бу кўп тушунмовчиликларга сабаб бўлди. Ҳув ўшанда чегараолди блокпостдан ўта олмай қайтганим менга қанча алам қилган эди. 2000 йилларнинг бошидаги бу воқеани эсласам, ҳамон хўрлигим келади. Ахир ўша блокпост атрофи бийдай дашт ва бирорта тўсиқ-чегара йўқ эди. Пиёда одам исталган жойдан нариги томонга ўтиб кетаверар, фақат улов учун қулай йўлда аскарлар турарди.

Ўшанда жаҳлим чиқиб капитанга:

— Айланма йўлдан ўтиб кетсам, ким билиб ўтирибди, — дедим.

— Бу сизнинг ихтиёрингиз. Лекин у томонда кўриб қолишса, рухсатсиз ўтганингиз учун аввал ҳарбий қисмга, кейин вазиятга қараб ё туманингизга, ёки вилоятга олиб бориб, сўроқ-савол қилади, — деди у.

Ўшанда ғалвани сотиб олмаслик учун тинчгина уйга қайтган, йўл-йўлакай “Нега энди чегараларни маҳкамлаб, қўрқиб яшашимиз керак? Нима учун Тошкентга борсам “прописка” кўрсатишим, молимни боқаётган чўпон ҳолидан хабар олиш учун рухсат сўрашим керак?”, дея ўйлаган эдим.

Ҳозир ўша олис хотираларни эслаяпману, кўз олдимга эски ҳовлимиз келди. Отамнинг укаси Абдужаббор акам биз билан ён қўшни яшарди. Акам анчайин содда, ана шу соддалиги сабаб ишонтириш осон эди. Боз устига, ўша соддалик ҳаққини бировга осонликча бериб қўймаслик ва ўжарликка омихта бўлган эди. Бу фитна чиқариб қувонадиган кимсаларга қўл келарди. Ўша вақтда ҳам ўткинчи кимсалардан бири нимадир деган, отам уйда йўқ маҳали акам келиб буни онамга айтган эди. Ана шу айтиш асносида туғилган тушунмовчилик икки орага совуқлик туширди. Табиийки, биз ака-укаларнинг болалари ҳам кек сақлагич бўлдик.

Қариндошнинг кек сақлаши ҳам ўзига хос. На дўстга, на душманга ўхшайди. Акам йўлимдан чиқса, салом бераман, индамай бош чайқаб ўтиб кетади. Олисдан бирор меҳмон келса, уйимизга акам ҳам келади, одатдагидай салом-алик, гурунг бўлади. Меҳмон кетгач, ўша-ўша кек...

Ана шундай кунларнинг бирида онам саҳарлик қилиш учун уйғотар экан: “Тур, болам, эртага яна нимага уйғотмадингиз, деб жанжал қилма, рўза тутамиз”, дейди. Юз-қўлимни ювиб, ичкарига кирганимда отам аллақачон дастурхон бошида ўтириб чой ичар, олдида нон тўғралган косадаги овқат ярimlаб қолган эди. Отам мени кўриши билан онамни сўроққа тутди.

— Абдужаббор саҳарликка уйғонганми? — деди ва жавобни эшитиб менга ўшқирди. — Бор, акангни турғизиб кел.

Бориб акамни чақирдим. Ичкаридан овоз эшитилгач, жимгина ортга қайтдим. Уйга кирмасимдан янгам ошхона чироғини ёқди. Изма-из икки кун шу ҳол такрорлангач, шом маҳали янгам ўчоқ бошида туриб мени чақиради. Истар-истамас ўша томонга юраман. Янгам овқат тўла косани тутқазиб, уйларингга олиб бор, дейди.

Яраш оши дегани шу. Рўза, саҳарлик баҳона орадаги кек кўтарилади. Яна аввалгидай яшай бошлаймиз. Энди акамни кўрганимда ҳеч иккиланмай, овозимни баралла қўйиб салом бераман. Акам алик олиб, қулоғимдан бурайди, ҳазил эканини билиб, ёлғондан йиғлагандай бўламан. Кейин ўз-ўзидан бола қалбим қувончга тўлади. Энди ўйлаб кўрсам, қайғули кунларни болаюрак тезроқ фаҳмлар, ана шу ҳиссиёт унинг нозик қалбига кўпроқ таъсир этар экан. Бугун қўшни давлатлар билан муносабатимизни матбуотда кўп тарғиб этамиз. Қувонарлиси, бу ижтимоий тармоқларга ҳам кўчган. Ҳар бир мамлакатнинг зиёлилари чиқишларида аҳилликка чорламоқда. Бундай муносабат, вазиятни кўриб, эшитиб ўсаётган болаюракларга биздан кўра кўпроқ таъсир этади, деган ўй эртанги кунга ишонч беради.



Айтганча, акамнинг қўлидан “омон” чиққач, уйга чопаман. Кайфиятим яхши бўлган чоғларда шеър ўқигим келади. Мук тушиб, китоб варақлайман:

**“Қўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат,**
**Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам.**
**У — менми, у — сенми, ким бўлма, фақат**
**Сенга инсоф берсин, учинчи одам”.**

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Ориповнинг шеърини ўқир эканман, ён-атрофдан ўша учинчи одамни ахтараман. Бизнинг араз-гиналарга ўша кимсани айбдор деб биламан. Ахир акамни гижгижлаган ўша кимса. Аммо шу гапни эшитгач, мулоҳаза қилмаган акам, қайнукаси билан сен-менга борган онам-чи?! Улар ҳам бу зиддиятга теппа-тенг ҳисса қўшмаганми?

Ҳей, биродар, адолат дегани шундай — бир қарашда шавқатсиз, аммо айни ҳақиқат бўлган саволларни олдингизга қўяр экан. Буни Марказий Осиё давлатларининг кейинги йиллардаги ўзгаришларидан ҳам кўрдик, билдик. Аччиқ саволларга тик қарадик, ҳар бир томон айбини тан олгандай хатоларни тузатиш тарафдори бўлди. Натижа эса қувонарли...

Бугун отам ҳам, Абдужаббор акам ҳам чин дунёга кетган. Ёшим улғайгач билдим, янгам ҳам, акам ҳам доим бизга ёмонлик истайдиган одамлар эмас экан. Чунки ота-онам ҳам бир қадар тажриба оширган, масалаларни оғир-босиқлик билан ҳал қилишга ўтган эди. Ўйлаб кўрсам, Марказий Осиё давлатларининг муносабати отам ва унинг тўрт укаси ўртасидаги алоқаларга жуда ўхшар экан. Ҳозир улардан фақат биттасини мисол қилдим, холос...

> **ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА БИЗ ДЎСТЛИК, ТЕНГ ҚЎШНИЧИЛИК, АҲИЛЛИК ҲАҚИДА КЎП ГАПИРДИК. ШУ ЙЎЛДА АМАЛИЙ ИШЛАР ҚИЛИНДИ. УЛАР ҲАҚЛИ РАВИШДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. НАТИЖА ЭСА ҚУВОНАРЛИ, ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЧИҚДИ. МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ОРАСИДА ТУРИЗМ, ТОВАР АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ РАҚАМЛАР КЕСКИН ОШДИ. БУ ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА.**

Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар шамоли бизга умид ғунчаларини берди. Ўша вақтнинг ўзида Марказий Осиё давлатлари билан ҳам муносабатлар ўзгара бошлади. Дастлаб виза режими бекор қилинди. Биргина қўшнилар билан виза режими борлиги қанчадан қанча одамлар тақдирини ўзгартириб юбормади, дейсиз!

Ҳужжат олиш азоби, узоқ кутиш вақти сабаб қариндошлар тўй тугул, ўз ота-онасининг азасига ҳам қатнаша олмади. Ваҳоланки, улар пиёда борса ҳам икки соатда етадиган масофада яшарди. Бир сафар ишдан қайтиб борсам, онам йиғлагудай аҳволда ўтирган экан. Ўшанда эндигина Тошкент вилоятига кўчиб келган, “прописка” масаласи хуноб қилаётган пайт эди. Аввалига уйга яна участка нозири келиб кетибди деб ўйладим. Билсам, масала бошқача экан. Холам Тожикистонда яшайди. Қизи Тошкентга келин бўлган. Аммо фуқароликка қабул қилинмаган эди. Визасини янгилаш учун Тожикистонга бориб келиши керак бўлган. Эмизикли боласи Ўзбекистонда туғилгани учун уни ўзи билан олиб кета олмаган. Хуллас, қайнона эмизикли болани олиб қолган, келин узоғи уч кунда қайтиш режаси билан Тожикистонга кетган. Бормаса, тақиқ олиб чиқариб юборилиши мумкин. Кейин қайтиб Ўзбекистонга кела олмайди. Бу турмушдан ажралди, дегани ахир!

Нимадир бўлади-ю, ҳужжат чиқиши бир ойга чўзилади. Ана шу ой она-бола учун йилларга татиган. Эмизикли бола момонинг қўлида, она у томонда ҳувиллаган бағрини захга берган...

Онам шуни эшитган, энди жияним Тожикистондан чиқишга рухсат ололмаса, турмуши нима бўлади, деган қайғудан кўз ёши қилиб олган экан. “Хавотир олманг, қўйиб юборади”, дедим онамни юпатиш учун. Аммо бу гапга ўзим ҳам ишонмадим. Юрагимда нимадир чирт этиб узилгандай бўлди. Яна ўша, блокпостдан ўта олмай алам билан ортимга қайтганимдаги каби саволлар қийнади: матбуотда қардош халқлар деймизу, нега энди чегараларни маҳкамлаб қўрқиб яшашимиз керак? Ҳа, мамлакат чегараси мустаҳкам бўлиши хавфсизлик учун муҳим. Аммо бу борди-келди қилишимизга тўсиқ бўлмасин-да! Нега номини эшитгач, шундай ҳам мамлакат борми, дейдиган жойга визасиз бора оламану, ён қўшни давлатга ўтиш учун рухсат, навбат кутаман?!

Бу саволларга тайинли жавоб йўқ эди. Ана шу жавобсизликнинг ўзи чегараларимиздаги бундай режим мантиқсизлик эканидан далолат берарди. Мантиққа суянмаган, аслиятга зид ҳар қандай қараш йўқликка маҳкум эканини билишимиз учун унча кўп вақт керак бўлмади.

2017-2018 йилларда Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон ўртасида давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида чегара участкалари бўйича шартнома имзоланди. Бу ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ. Янгам бир коса овқатни узатиб, ўртадаги совуқликни кўтаргани каби аввал мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари жиддий кўриб чиқилди. Юртимизда инсон қадри учун дея бошланган ўзгаришлар узоқ йиллардан бери сарсон юрган юртдошларимизга фуқаролик олиш имконини берди. Қанчадан қанча уйлар қувончга тўлди.

Айни дам мавжуд геосиёсий вазиятдан келиб чиқиб, **“Бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда, қудратимиз — Ватанга меҳр ва садоқатда, ютуғимиз — ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!”** экани эътироф этилди. Юқорида айтганимиздай, бундай аҳиллик мамлакатлар ривожи қўшниларга ҳам боғлиқ экани тан олинди ва бу борадаги камчиликларни тузатиш йўлига ўтилди. Натижада Дўстлик стеласи сингари Марказий Осиё руҳи, деган қоя қад ростлади. Бугун халқаро ҳамжамият Марказий Осиёга яхлит минтақа сифатида қарашни бошлади.

Юқорида одам нима ҳақида кўп ўйласа, дунё унга шундай қучоқ очишини айтган эдик. Баҳорнинг ҳозиргидай сурурли кунларида яна ўша дашт, тепага қараб ўрлаган йўл эсимга тушди. Эшитдим, байрам арафасида Сурхонда ҳам ёмғир ёғибди. Демак, донишманд қирлар яна барака либосини кийиб, Навоий бобомиз таърифи билан айтганда, дунё қизил, сориғ, яшил тусга бурканган.

Ҳазрат Навоий муҳаббат, ёр васли орқали ҳаёт суратини чизар экан, унинг турфа бўёғига ишора қилиб: “Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориғ, яшил”, деб ёзади. Одатда қизил рангни тақиқ, сариқни огоҳлик ва яшилни яхшилик маъносида қабул қиламиз. Аслида, бу ранглар бошқа маъно касб этади. Масалан, кўпинча қизил жўшқин ҳаётни, сариқ умидни ифодалайди. Яшил эса нафақат яхшилик, балки ўсиш-униш ва маънавий комиллик тимсоли ҳамдир.

Ҳозир Марказий Осиё қирлари, тоғлари ўшандай тус олган. Алвонранг лолақизғалдоқлар кўзни олади, сариқ чечаклар қирларга кўрк бериб, яшил гиёҳлар тиззага урган! Бундай вақтда қучоғингни кенг очиб қирлар оша ҳайқиргинг, қувончингни бошқаларга улашгинг келади. Бугун биз нега чегаралар тамбаланган, нима учун туғишганимни эмин-эркин бориб кўра олмайман, дея ўйламаймиз. Баҳорнинг илк чечаклари бўй чўзган маҳалдаёқ бундай саволлар эсдан чиққан.

Охирги йилларда биз дўстлик, тенг қўшничилик, аҳиллик ҳақида кўп гапирдик. Шу йўлда амалий ишлар қилинди. Улар ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Натижа эса қувонарли, иқтисодий ҳамкорлик юқори кўрсаткичга чиқди. Мамлакатларимиз орасида туризм, товар айланмаси билан боғлиқ рақамлар кескин ошди. Бу оддий одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Маданий алоқалар ҳам юксалди. Масалан, Тожикистон ёзувчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди ёки акси, устоз ижодкорларимиз Қирғиз Республикасининг ёзувчиси, деган мақомни олди. Санъаткорлар қўшни давлатларда халқ артисти, деган унвонларга муносиб кўрилди. Бундай дўстлик худди янгам берган бир коса ошдай мамлакатларга илиқлик олиб кирди. Биз бугун бир-биримизга рақобатчи эмас, ҳамкорликда катта кучга айланаётган яхлит минтақа кайфиятида яшай бошладик. Халқаро майдонда бир-биримизнинг спортчиларимизни ўз юртдошимиз каби қўллаб-қувватладик. Ютуқлардан биргаликда қувондик, қўшиқлар куйладик. Содда қилиб айтганда, меҳр, дўстлик ҳақида ўйладик. Ўзимиз ўзгардик ва дунё ҳам бизга ўшандай меҳр билан қучоқ очишни бошлади. Ҳа, биродарлар, одам нима ҳақида кўп ўйласа, дунё унга шундай қучоқ очар экан.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
36811 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:55 Топширилди — 02:20

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05